


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“НКМК” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши
раиси ўринбосари

 Х.Р.Раупов
2024 йил “ 8 ” //

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши
ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ № _____

Навоий шаҳри

2024 йил “07” ноябрь

Раислик қилувчи: И.Қ.Рахматов -Жамоатчилик кенгаши раиси

Иштирок этди: Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқий онгни ошириш, коррупцион
жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ишлаб чиқилган тарғибот режаси
ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилиш тўғрисида**

(Рахматов, Раупов, Джураев, Садриддинов, Исоқов, Идиев, А.Бозоров, Назарова, Рахматов)

“НКМК” АЖ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Рахматов йиғилишни очиб, Комплаенс хизмати томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан “Навоий машинасозлик заводи” Ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган ўқув семинар йиғилиши юзасидан ахборот берди.

Хусусан, “Навоий машинасозлик заводи” Ишлаб чиқариш бирлашмасидаги цех, хизмат ва бўлинма раҳбар ва ишчи-ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни, Монополияга қарши комплаенс тизими, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқа ички идоравий ҳужжатлар бўйича семинар тадбири ўтказилганлиги таъкидланди.

Музокараларда А.Бозоров, Х.Раупов, А.Джураев, Ш.Идиев ва бошқалар кенгаш аъзолари томонидан турли таклиф ва фикр-мулоҳазалари билдирилди.

Кун тартибида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “НКМК” АЖ Жамоатчилик кенгаши раиси И.Рахматовнинг кун тартибига доир маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенгаш аъзоларига:

- Жамият бўлинмаларида раҳбар ва ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида доимий равишда Коррупцияга қарши курашишга оид қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб борилишини таъминлаш;

- Жамият бўлинмаларида раҳбар ва ишчи-ходимлари томонидан доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни, Монополияга қарши комплаенс тизими, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқа ички идоравий ҳужжатларга риоя этилиши бўйича назоратини таъминлаш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш Жамоатчилик кенгаши котиби А.Джураев зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



А.Джураев